



„14“ ИЮНЬ 2013 й. г. № 172

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган
корхоналар ва ташкилотлар классификациясига ўзгартириш
киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида” 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1672-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сон қарори билан тасдиқланган Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясида 583-сатрнинг “Кичик корхоналар” устундаги “11-25” рақамлари “11-100” рақамлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси раҳбари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири



Ш. Мирзиёев